

Дастлабки тергов харакатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судининг 2012 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, М.ни Жиноят кодексининг 173-моддаси 2-қисми "б" банди, 229-моддаси билан айблаш ҳақидаги жиноят иши 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 1-банди "а" кичик банди ва 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2013 йил 19 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ажримига кўра, М. 2012 йилнинг 16 август куни Н.нинг Миришкор тумани, Гулшанбоғ қишлоғида жойлашган уйига болалари билан келганлигини билиб, ушбу уйда марҳум турмуш ўртоғи С. вафот этгани ёдига тушиб, кеч соат 23.30 ларда Н.нинг уйига бориб, унга яшаб турган уйдан кўчиб чиқиб кетишини, акс ҳолда унинг мулкини қасддан нобуд қилишини айтиб, уйдан қайтиб чиқиб кетган.

М. 2012 йил 17 август соат 07.30 ларда яна Н.нинг уйига бориб, 504.000 сўмлик мол-мулкларини синдириб, 4.063.000 сўмлик мулкларни қасддан ёқиб, Н.нинг қизи Ф.нинг қулоғидаги бир жуфт 585 пробали 11,41 граммли тилла сирғасини ечиб олиб, сирғани ва 1000 АҚШ долларини (1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 1.917,64 сўм) ўзи ёққан оловга ташлаб юбориб, Н.нинг жами 4.633.640 сўмлик анча миқдордаги мулкини қасддан синдириш ва ёқиш йўллари билан нобуд қилган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши лозим.

Жабрланувчи Н., унинг вояга етмаган қизи Ф. ва онаси А.нинг кўрсатмаларига қараганда, М. ва унинг қариндошлари дастлаб 2012 йил 16 август куни соат 23.30 ларда Н.нинг уйига бостириб киришиб, уни уриб, уйдан чиқиб кетишини талаб қилиб, акс ҳолда уни ва фарзандларини ўлдириш билан қўрқитиб, Н.ни уриб тан жароҳати етказишган.

Бироқ дастлабки тергов даврида мазкур ҳолат бўйича М.нинг қариндошлари С., Г., Т. ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмасдан, фақатгина Т.ни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси билан жавобгарликка тортиш билан чегараланилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-бандида, айбдор жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкини эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракаларининг жинойӣ хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкини ошқора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи Г. ва М. Ф.нинг қулоғидаги тилла сирғасини ечиб олишганлигидан иборат ҳаракатларида Жиноят кодексининг 173-моддаси 2-қисми "б" банди ёки 166-моддаси 3-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги ҳолатини тўлиқ текширмаган ва тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар биринчи босқич ҳамда кассация инстанцияси судлари эътиборидан четда қолган.

Жиноят процессуал кодексининг 419-моддаси 1-қисми 1-бандида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш имкони бўлмаса, 3-бандида айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра, айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариши лозимлиги белгиланган.

Жиноят иши бўйича зиддият иштирокчилари орасидаги ҳақиқий муносабатларнинг хусусиятини синчковлик билан, ҳар томонлама тўлиқ ва холисона текшириб чиқмасдан туриб томонларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб бўлмаслиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 3 октябрдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

ЖСХ-311-13 назорат иши

